

Автомобиль йўллари қўмитасида ёшлар билан ишлаш



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига 2019 йил 27 декабрь куни мамлакат ёшлари билан ўтказилган учрашувда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган топшириклар ижроси юзасидан, Автомобиль йўллари қўмитасида ёшлар билан ишлаш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, у изчилилк билан ҳаётга жорий этилмоқда.







Ўтказилган тадбирлар сони ва салмоғи анча улкан. Мисол тарзида эса – Тошкент автомобиль йўлларини лойихалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида бўлиб ўтган ижодий учрашув, Тошкент автомобиль йўллари коллежида Германиянинг "Papenburg" компанияси директорлар кенгаши аъзоси Ангела Папенбург хоним билан ривожланган давлатларда ўқитилаётган "DUAL" ўқув режа ва дастурлари бўйича ташкил этилган қизиқарли давра столи, институт ва коллеж талабаларининг талаба ва ўқувчиларини – бевосита қўмита тизимиға киравчи Кўйлиқ қўприклар, темир-бетон қурилмалар заводи, "Автойўлтрансхизмат" унитар корхонаси каби бир қанча корхоналарда мавжуд йўл қурилиши техникалари ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан таништирилуви, бўлгуси йўлчилар иштирокида пойтахтнинг Мирзо Улугбек тумани Асака кўчасидаги 1,2 км йўлни асфальтлаш ишлари амалга оширилгани ва бошқа қатор амалий тадбирларни санаб ўтиш мумкин.







27 январдан шу кунга қадар Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан жами 5 мингдан зиёд ёшлар билан учрашилди. Ёшлар иштирокида 1,1 км тупроқ йўл – шағал йўлга айлантирилди, 1,2 км йўлда асфальтлаш ишлари бажарилди. Учрашув ва йиғилишлар якунларида энг фаол ёшларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.





Ёшлар билан боғлиқ тадбирлар шу кунларда ҳам давом эттирилмоқда.

Автомобиль йўллари қўмитаси

матбуот хизмати